

ИЗЛАНИБ, ЎРГАНИБ, ИЧКИ ИМКОНияТларНИ ТўЛА ИШГА СОЛган ҳУДУД ЮтаДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 февраль куни Сирдарё вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, иш ўринлари ва инвестицияларни кўпайтириш бўйича 2025 йилги режалар муҳокамаси юзасидан ййгилиш ўтказди.

Кейинги йилларда Сирдарёда энергетика, қурилиш, тадбиркорлик бирмунча ривожланди. Ўтган йили давлатимиз раҳбарининг Сайхунобод туманига ташрифи чоғида томорқачилик ва кичик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тажриба яратилди.

Лекин ташаббускорлик камлиги учун саноат, савдо ва хизматлар ривожланишдан орқада қолиб кетаяпти. Хусусан, Сирдарёда хизмат кўрсатиш соҳасининг республикадаги улуши энг паст. Камбағаллик даражаси 11 фоиздан кўп. 22 минг нафар фуқаро ишсиз.

Бугун дунёда иқтисодий шарт-шароитлар тез ўзгармоқда. Бундай вазиятда изланиб, ўрганиб, ички имкониятларни тўла ишга солган ҳудуд ютади.

Шу мақсадда Сирдарё вилоятида инвестицияларни кўпайтириб, саноат ва бизнес-муҳитни яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, шунингдек, вилоятнинг транзит салоҳиятидан унумли фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Масалан, қарийб 900 гектар ер майдонида саноат зоналари ташкил қилиниши мўлжалланган. Бу 5 миллиард доллар инвестицияга ва 20 мингдан ортиқ янги иш ўрнига замин бўлади. Лойиҳалар Сирдарё, Ширин, Боеўют, Ховос, Мирзаобод, Гулистон, Оқолтин ва Сардобода жойлашади.

Вилоят географик жиҳатдан Ўзбекистоннинг марказий қисмида, бир нечта халқаро автомагистраль кесишмасида жойлашган бўлиб, бир кеча-кундузда 311 мингта транспорт воситалари ўтади. Шунга кўра тадбиркорлар бу йўллар бўйида юзлаб савдо шохобчалари очишга тайёрлигини билдирган.

Умуман, 500 минг квадрат метр савдо-сервис майдони ташкил этиб, 50 минг одамнинг бандлигини таъминлаш имконияти бор.

ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф 25 февраль куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Икки мамлакат халқларини мустақкам тарихий алоқалар боғлаб турса, бугунги ривожланган даврдаги ҳамкорлик изчиллиги барқарор ва ишончли бўлади. Ўзбекистон ва Покистон аниа шундай ришталар бир-бирига эш қилади.

Бу ришталар эса Буюк ипак йўлининг умумий маданий аънааналари каби тарихий манбалардан қувват олади.

Покистон — Ватанимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган мамлакатлардан бири. Икки давлатнинг муштарак манфаатларга асосланган ҳамкорлиги йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Тошкент шаҳри халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилиб, faxрий қоровул саф тортиди.

Сўнг Покистон делегацияси “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюрди.

ЎзА.

Дунё нигоҳи

«DAILY ITTENAД» ГАЗЕТАСИНING ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН МАХСУС СОНИ ЧОП ЭТИЛДИ

Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи арафасида ушбу мамлакат “Daily Ittehad” газетасининг Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар ва икки томонлама муносабатларга бағишланган махсус сони чоп этилди.

Нашрда журналист Муҳаммад Аббос Хоннинг “Покистон ва Ўзбекистон тинчлик ва тараққиёт йўлида”, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Кўмитаси аъзоси, академик Акмал Саидовнинг “Янги Ўзбекистон дипломатияси: жадал ва самарали қадамлар”, газета бош муҳаррири Таҳир Фаруқнинг “Лаҳорда

Ўзбекистон саноат маҳсулотлари кўрғазмаси ўтказилди” ва “Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор Туляковнинг “Ўзбекистон — 2030: Янги давлат дастурининг аҳоли ҳаётидаги аҳамияти” сарлавҳали мақолалари босилган.

Журналист Муҳаммад Аббос Хоннинг “Покистон ва

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ» ЭСДАЛИК ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТўҒРИСИДА

2025 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги нишонлиниши муносабати билан Ватан ҳимояси йўлида мардонавор курашган буюк аждодларимизга алоҳида эътибор ва чўқур эҳтиром кўрсатиш, ғалабага бебаҳо ҳисса қўшган Ўзбекистон фуқаролари — 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини муносиб равишда иззат-икром билан шарафлаш мақсадида:

1. 1941 — 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги шарафига “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медали таъсис этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — “1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” ва “Япония устидан қозонилган ғалаба учун” медаллари билан, уруш йилларида жанговар хизматлари учун бошқа орден ва медаллар билан мукофотланган ёки уруш қатнашчиси гувоҳномасига ёҳуд Ватан уруши ногирони гувоҳномасига эга бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фронт орти меҳнат фахрийлари, шу жумладан, “1941 —

1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун”, “Меҳнатдаги жасорати учун”, “Меҳнатда ўрнатқ кўрсатганилиги учун” медалларига ёки 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида Куролли Кучларда фуқаро шахсларни эркин ёллаш бўйича штат лавозимида бўлганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган меҳнат fronti қатнашчилари мукофотланади.

3. Куйидагилар:

“Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медали тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медали ва тавсифи 2-иловага, унинг гувоҳномаси ва тавсифи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан мукофотланиши лозим бўлган 1941 — 1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва ногиронларининг, меҳнат fronti қатнашчиларининг аниқ рўйхатини тузиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: Марказий банк ва “Сувенир” масъулияти чекланган жамияти билан биргаликда бир ой муддатда “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномалари бланклари белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маб-лағлари ҳисобидан тайёрланишини таъминласин; икки ҳафта муддатда эсдалик юбилей медалларини топшириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 февралдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги ПФ-24-сон Фармонида назарда тутилган бир марта-лик пул мукофотларини тўлаш тартибини белгиласин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2025 йил 25 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 февралдаги ПФ-32-сон Фармониға 1-илова

«Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги» эсдалик юбилей медали тўғрисида НИЗОМ

1. “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медали (кейинги ўринларда — эсда-лик юбилей медали) билан Ўзбекис-тон Республикаси фуқаролари “1941 — 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” ва “Япония устидан қозонилган ғалаба учун” медаллари билан, уруш йилларида жанговар хизматлари учун бошқа орден ва медаллар билан му-кофотланган ёки уруш қатнашчиси гу-воҳномасига ёҳуд Ватан уруши ноги-рони гувоҳномасига эга бўлган Иккин-чи жаҳон уруши қатнашчилари ва

уларга тенглаштирилганлар, шунинг-дек, Иккинчи жаҳон уруши йиллари-даги фронт орти меҳнат фахрийлари, шу жумладан, “1941 — 1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳ-нати учун”, “Меҳнатдаги жасорати учун”, “Меҳнатда ўрнатқ кўрсатганилиги учун” медалларига ёки 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида Курол-ли Кучларда фуқаро шахсларни эркин ёллаш бўйича штат лавозимида бўлганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган меҳнат fronti қатнашчи-лари мукофотланади.

2. Эсдалик юбилей медалини топ-

шириш Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Рес-публикаси мудофаа вазири, ички иш-лар вазири, фавқулдада вазиятлар ва-зири, Давлат хавфсизлик хизмати раи-си, Миллий гвардия кўмондони, Иқти-содиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитаси раиси, Қорақалпо-гистон Республикаси Жуқорғи Кенгеғи раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, ту-ман ва шаҳар ҳокимлари томонидан маҳаллий харбий бошқарув органлари, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашла-рининг иштирокида тантанали вазият-да амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 февралдаги ПФ-32-сон Фармониға 2-илова

«Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги» эсдалик юбилей медалининг ТАВСИФИ

“Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медали (кейинги ўринларда — медаль) 0,25 микрон қалинлик-даги олтин қопланган мис қотишмасидан тай-ёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Медалнинг олд томони марказида қуёш нурулари фонида Ўзбекистон Республика-си Президенти ташаббуси билан барпо этилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуа-сидаги ўзининг улкан жасорати ва сабр-матонати билан тарих саҳифаларига муҳр-ланган Зулфия Зокирова ва унинг фронт-дан қайтмаган беш ўғли, садоқатли келин-лари хотирасига бағишланган “Матонат мадҳияси” монументи қумуш рангда ҳамда унинг олдида Мангу олов тасвири зарҳал рангда акс эттирилган.

Монументнинг чап ва ўнг томонларида даф-на чамбари жойлашган бўлиб, унинг қуйи қис-мида юбилей йилини англатувчи “80” рақами ёзилган.

Медалнинг айланаси бўйлаб четлари қаба-риқ бўлган доира ичида харфларининг банд-лиги 2,5 миллиметрли “IKKINCHI JAHON URUSHIDAGI G’ALABANING 80 YILLIGI” сўзлари жойлашган.

Медалнинг орқа томонида, диаметри 28 миллиметр бўлган айлананинг ичида, икки қаторда “XOTIRA — ABADIY”, “VATAN — MUQADDAS” ёзувлари, унинг қуйи қисмида Ик-кинчи жаҳон уруши тугаган йил ва юбилей йилини англатувчи “1945 — 2025” рақамлари ёзилган. Айлананинг ташқи томонида қуёш нурулари шаклидаги чизиклар жойлашган.

Ёзувлар қабарик шаклда ва зарҳалланган. Медалнинг қалинлиги 3 миллиметр.

Медаль Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидидаги йўл-йўл шойи мато сирилган беш бурчакли қадағич (колод-ка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Матонинг эни 24 миллиметр. Кўк, оқ ва ашил йўллар эни 7 миллиметрдан, қизил йўллар эни 1,5 миллиметр.

Қадағичнинг бандлиги 50 миллиметр, эни 45 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томониға медални кийим-га тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 февралдаги ПФ-32-сон Фармониға 3-илова

«Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги» эсдалик юбилей медали гувоҳномасининг ТАВСИФИ

“Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йил-лиги” эсдалик юбилей медали гувоҳномаси (кейин-ги ўринларда — гувоҳнома) 175х125 миллиметр ўлчамдаги кўк рангли винил билан қопланган муқо-вали китобча шаклида бўлади.

Гувоҳноманинг олд томони (биринчи бети) юқори чеккасидан 14 миллиметр пастда, марказ-да “O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI” (катта харфлар-да, “Times new Roman Bolt” шрифти, 12 кегль) сўзлари, ундан 10 миллиметр пастда Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби жойлашган.

Ундан 14 миллиметр пастда уч қаторда “IKKINCHI JAHON URUSHIDAGI”, “G’ALABANING 80 YILLIGI”, “ESDALIK YUBILEY MEDALIGA” (катта харфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 11 кегль) сўзлари ҳамда ундан 5 миллиметр пастда “G’UVOHNOMA” (катта харфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 16 кегль) ёзуви жойлашган.

Ёзувлар тилла рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) “Тангир” тасвири туширилган оч ҳаворанг-да бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Гувоҳнома ички томонининг чап қисми (иккинчи бети) марказида эсдалик юбилей медалининг ас-лиға тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, мар-казда “O’zbekiston Respublikasi Prezidentining”,

“2025-yil___-fevraldagi”, “Farmoniga muvofiq” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган ва мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.

Пастки чизикдан қуйида, марказда “IKKINCHI JAHON URUSHIDAGI”, “G’ALABANING 80 YILLIGI” (кат-та харфларда, кўк рангда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 11 кегль), “esdalik yubiley medali bilan

taqdirlandi” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 6 миллиметр пастда, марказда “O’zbekiston Respublikasi Prezidenti”, “nomidan medal” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) ёзуви акс эттирил-ган ва медални топширган шахснинг лавозими ва имзосини қайд этиш учун чизик тортилган.

Унинг қуйи қисмида “tomonidan”, “20__-yil “___” da”, “topshirildi” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) ёзувлари акс эттирилган.



Олий Мажлис Сенатида

ХАЛҚАРО АНЖУМАНГА
ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Олий Мажлис Сенатида Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясини ўтказиш бўйича Ташкилий қўмитанинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

рель кунлари юртимизда бўлиб ўтади. Президентимизнинг 17 январдаги тегишли қарори билан Ташкилий қўмита таркиби ҳамда чоратадбирлар режаси тасдиқланган.

Таъкидландики, кўплаб мамлакатлар парламентлари раҳбарлари ва аъзолари, халқаро ташкилотларнинг делегациялари ассамблеяда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган.

Тадбирни Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев олиб борди.

Хабар берилганидек, Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига асосан шу йил 5 — 9 ап-

рилиш, камбағалликни қисқартириш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлорлар ва тажрибалари билан ўртоқлашади. Бир ҳафта давомида Парламентлараро Иттифоқнинг қўмиталари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, илм-фан ва технология, ёшлар масалаларига бағишланган турли тадбирлар уюштирилади.

Тадбирда нуфузли анжуманни юқори савияда ташкил этиш бўйича мутасаддилар олдида турган қатор вазифалар муҳофама қилинди.

«Халқ сўзи».

«DAILY ITTEHAD»
ГАЗЕТАСИНING
ЎЗБЕКИСТОНГА
БАҒИШЛАНГАН МАҲСУС
СОНИ ЧОП ЭТИЛДИ

“Олий даражали ташриф чоғидаги очиқ ва дўстона сиёсий мулоқот иқтисодий муносабатларни илгари суриш мақсадида манфаатли савдо йўлакларидан фойдаланиш ва янги минтақавий боғлиқлик ташаббусларини келишиш, автомобиль ва темир йўл транспорт инфраструктураларини ривожлантириш, миллий иқтисодиётлар учун бир-бирларининг ҳамда янги бозорларга чиқиш учун шaroит яратиш, минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорлик учун ҳамкорлик қилишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш учун пойдевор бўлиши кутилмоқда”, деб ёзган муаллиф.

Журналист ўз хулосасида Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги стратегик ҳамкорлиқнинг шаддам қадамлар билан ривожланиши нафақат икки мамлакат, балки қўшни минтақалардаги тараққиёт ва умумий фаровонликка ижобий таъсир ўтказиши, деб таъкидлаган.



БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси аъзоси, академик Акмал Саидовнинг “Янги Ўзбекистон дипломатияси: жадал ва самарали қадамлар” сарлавҳали мақоласида Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йилдаги фаол, прагматик ва очиқ ташқи сиёсати, хорижий ҳамкорлар билан олий даражадаги учрашувлар доирасида эришилган муҳим келишувлар, дипломатия йўналишида қўлга киритилган ютуқлар ҳамда олдинда турган мақсад ва вазифалар тўғрисидаги маълумотлар батафсил қаламга олинган.

“Якунига етган йилда Янги Ўзбекистон олиб борган фаол ташқи сиёсат сарҳисобини холис таҳлил қилар эканмиз, шубҳасиз глобал миқёсда шиддатли ўзгаришлар юз бераётган, синов ва таҳдидлар шароитида Янги Ўзбекистон дипломатиясининг мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий қудратини янада юксалтириш, миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш, жаҳон ҳамжамиятида ижобий бўлган имижини мустаҳкамлаш билан камбарчас боғлиқ ҳалқаро ютуқларига гувоҳ бўламиз”, дейилади мақолада.

Шунингдек, муаллиф 2024 йил давомида Президент Шавкат Мирзиёев 17 та халқаро ташрифни амалга оширган, улар доирасида 100 дан ортқ учрашув ва музокаралар ўтказгани, 140 дан ортқ халқаро тадбирларда иштирок этгани, 264 та икки ва кўп томонлама халқаро шартнома ва ҳужжатлар имзолангани, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувлар 2000 дан ортгани, инвестиция лойиҳалар ва савдо битимлари қиймати қарийб 120 миллиард АҚШ долларини ташкил этганига алоҳида эътибор қаратган.

“Daily Ittehad” газетаси бош муҳаррири Таҳир Фарук қаламига мансуб “Лаҳорда Ўзбекистон саноат маҳсулотлари кўргазмаси ўтказилди” сарлавҳали мақолада эса шу йил 11 — 13 февраль кунлари “Lahore Expo Centre” марказида “Made in Uzbekistan” саноат кўргазмаси ўтказилгани, унинг доирасида умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларига тенг 181 та шартнома имзолангани хабар қилинган.

Уч кун давомида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик, чарм-поябзал, электротехника, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, мебель ва ёғочсозлик, кимё, фармацевтика саноати маҳсулотлари, қурилиш материаллари ҳамда туризм салоҳиятига бағишланган кўргазмага 80 мингдан ортқ одам келди. Тадбир доирасида икки давлат бизнес доиралари ўртасида 500 дан ортқ “B2B” шаклида музокаралар ўтказилди.

Журналист Таҳир Фарук ўзбек тадбиркорлиги делегацияси Панжоб вилоятининг йирик саноат марказлари — Файсалобод, Сиялкот, Гужранвала, Гужрат, Бахавалпур, Мултон ва Шейхпура шаҳарларида ташриф буюриб, мазкур ҳудудлардаги иختисослаштирилган корхоналар ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари билан яқиндан танишганини, аниқ лойиҳалар бўйича дастлабки келишувларга эришилганини оқсак баҳолаган.

“Тараққиёт стратегияси” маркази ижрочи директори Элдор Туляков “Ўзбекистон — 2030: Янги давлат дастурининг аҳоли ҳаётидаги аҳамияти” сарлавҳали мақоласида ёзганидек, мамлакатимизда 2025 йилга мўлжалланган давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик ва экспертлар муҳокамасидан ўтказилди, 100 га яқин концептлар ҳамда мингдан ортқ тахирий тақлифлар инобатга олингани ҳолда ҳужжат расман қабул қилинди.

Мақолада давлат дастури доирасида аҳоли ҳаёт сифатини яхшилаш, экологик барқарорликни таъминлаш ва “яшил” иқтисодиёт тамойилларини кенг жoriй этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгилангани, яшил ҳудудларни кенгайтириш, пидедалар ва велосипед йўлакларини яратиш, экологик тоза жамоат транспортини ривожлантириш, ёмғир ва оқова сувларни қайта ишлаш орқали сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича муҳим чоралар белгилаб олингани ижтимоий давлат қуриш борасидаги муҳим қадам дея таъкидланган.

“Ҳужжатда 2025 йилда иқтисодий ўсиш камида 6 фоиз, саноат 6 фоиз, бозор хизматлари 14,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги 4,1 фоиз ўсиши мақсадли вазифа сифатида белгиланган. Мактабгача таълим қамровини ошириш мақсадида олис ва чекка ҳудудларда мобил гуруҳлар, ҳар бир туман ва шаҳарда инклюзив таълим талабаларига жавоб берадиган мактаблар ташкил этилади. Шунингдек, 3,5 минг камбағал оила фарзандлари олий таълим муассасаларига грант асосида қабул қилинади” дейилади мақолада.

«Дунё» АА.

Испомбод

Фикр

Янги йилга берилган номга мос давлат дастури ишлаб чиқиши халқимизни эзгу мақсадлар йўлида жипслаштиришга хизмат қилмоқда. Ундаги вазифалар инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси учун йўналтирилган.

“Яшил” иқтисодиётни ривожлантириш инсонни асраш ва кулай шарoит яратишини аниглайди. Зеро, давлат дастуридаги ақсарият вазифалар аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш, ижтимоий масалаларни самарали ҳал этиш билан камбарчас боғлиқ. Унда ресурстежамкор иқтисодий ривожланиш моделига ўтиш орқали 2030 йилгача янги ички маҳсулотнинг йиллик ўсишини камида 6 фоиз, ҳажмини 200 млрд. долларга етказиш, инфляцияни 5 фоиз даражасида сақлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини ошириш масалалари энг муҳим мақсадлар сифатида белгиланди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда трансферлардан фойдаланишнинг чекланган миқдорларини белгилаш бўйича санитария меъёрлари Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мувофиқлаштирилди.

Кам даромадли оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш муҳим стратегик йўналишга айланди. Пахта ва галла майдонларини қисқартиришдан бўшаган 100 минг гектар ер майдонини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ажратиш орқали 200 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Дастурдан аграр соҳада тупроқ агрохимийвий таҳлилларини ўтказиш мақсадида 100 та портатив-мобил лабораторияни харид қилиш, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ер майдонлари ҳажминини

10 минг гектарга етказиш ўрин олган.

Аҳоли саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ҳамда инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шарoитларни яратишда амалга ошириладиган вазифалар давлат дастуридаги 5 та йўналиш ва



қўлайтириш масаласи. Аҳоли пунктларига яқин сув тармоқлари, ариқлар, каналлар бўйларига сайилгоҳлар ташкил этилиб, 80 та инфратузилма объектлари ва 110 ки-

“Дастурининг муҳим жиҳатларидан яна бири — маҳаллаларнинг яшиллик даражасини ошириш, пидедалар ҳамда велосипед йўлакларига дарахт қўчатларини экиш, “Соғли сайр кўчалари”ни қўлайтириш масаласи. Аҳоли пунктларига яқин сув тармоқлари, ариқлар, каналлар бўйларига сайилгоҳлар ташкил этилиб, 80 та инфратузилма объектлари ва 110 километрдан ортқ соғломлаштириш йўлаклари қурилади. “Менинг боғим” лойиҳаси бўйича 200 млн. туп дарахт қўчати экилади.”

100 та мақсадда аниқ белгиланди. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, қўлайтириш, табиий хилмаҳилликни таъминлаган ҳолда кейинги авлодга етказиш муҳимлиги, иқтисодиётни иқлим ўзгаришига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш орқали қайта тикланувчи энергия улушини босқичма-босқич ошириб бориш ҳам муҳим вазифалар сирасига киради.

Дастурининг муҳим жиҳатларидан яна бири — маҳаллаларнинг яшиллик даражасини ошириш, пидедалар ҳамда велосипед йўлакларига дарахт қўчатларини экиш, “Соғли сайр кўчалари”ини

лометрдан ортқ соғломлаштириш йўлакларини қурилади. “Менинг боғим” лойиҳаси бўйича 200 млн. туп дарахт қўчати экилади.

Орол денгизининг қуриган тубида 100 минг гектар “яшил майдон” барпо этилиб, шўр ва сувсизликка чидамли ўсим-

Давлат дастурининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Сенат аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари парламент ва депутатлик назоратини олиб бориши, қонunchилик тарбиботини жонлантириши, ҳар бир хонадон ва корхонанинг “яшил белбоғ”ларини ташкил этиб, атроф-муҳитни асраш масаласига алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Анвар ТҲҲИЧЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси.

Сенатор ва ҳаёт

МУАММОЛАР
ЕЧИМИГА АМАЛИЙ
ЁНДАШУВ

Сенаторлар жойларда муаммоларни аниқлаш ва уларга ечим топиш мақсадида турли учрашувлар ўтказиб, яратилган шарт-шарoитларни таҳлил қилиб, амалий тавсиялар бериб келмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси Зумрад Бекатова Қашқадарё вилоятида халқ депутатлари Шаҳрисабз шаҳар ва Қарши тумани Кенгашлари фаолияти билан танишди.

Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг Коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссияси аъзолари, барча туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари билан учрашувлар ўтказилиб, Сенатнинг учинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида тушунириш берилди. Депутатларнинг тақлифлари ўрганилиб, саволларига жавоб берилди.

Қарши шаҳридаги Ойдин, Шаҳрисабз шаҳридаги Наврўз ва Кеш, Қарши туманидаги Ертепа маҳаллаларида бўлиб, фуқаролар билан суҳбатлашилди. Тадбиркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан танишишти, яратилган шарт-шарoитлар, кўрсатилаётган хизматлар ҳолати, таъминлантираётган масалалар юзасидан мулоқот бўлиб ўтди.

Қарши туманидаги 52-оилавий поликлиникада

яратилган шарoитлар кўздан кеңириб, муассасадаги беморлар ҳолидан хабар олинди. Сенатор вилоят прокурорининг, ички ишлар бошқармаси бошлигининг, Мажбурий ижро босирининг, Халқ қабулхонасининг ҳамда вилоят 2-сектор раҳбарининг 2024 йил якуни бўйича ахборотлари билан танишиб, тақлиф ва тавсияларини берди.

Сенатор Гулнора Маъруфова аҳоли муурожаатлари билан ишлаш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига қўмаклашиш ҳамда тадбиркорлар билан мулоқот қилиш мақсадида Фарғона вилоятида ўрганишлар ўтказмоқда.

Ёзёвон туманидаги муурожаатларни ижобий ҳал этиш юзасидан “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилган Маданият уйи лойиҳаси билан танишди.

Ёшлик маҳалласидаги 840 нафар ўқувчиға мўлжалланган мактаб қурилиши жараёнини ўрганди. Республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар бўйича бирламчи ҳужжатларни тақдим қилиш юзасидан тегишли мутасаддиларга тавсиялар берди.

ДЕНОВДАГИ КЎПРИКЛАР
ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ

Мамлакатимизда йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, автомобиль йўллари ва кўприкларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ишлари изчил давом этмоқда. Бирок Сурхондарё вилояти, хусусан, Денов туманидаги айрим кўприк ва йўлларнинг ҳолати ҳали ҳам ўнганмай, аҳоли учун долзарб муаммо бўлиб қолаётгани таассуфланарлидир.

Сенатор А. Эшмуратов мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига муурожаат қилди. Унда табиий офат (сел тошқини) оқибатларидан зарар кўрган Денов туманидаги Сунбула ва Сина маҳаллаларини боғловчи кўприкларни қайта қуриш ишлари молиялаштирилмаётганига эътибор қаратилган.

Маълумотларга кўра Сунбула маҳалласи ҳудудидаги кўприкни қайта қуриш учун 3,7 млрд. сўм, Сина маҳалласини туман маркази билан

боғловчи кўприк учун эса 4,35 млрд. сўм ажратилиши лозим. Бирок молиявий масалалар ўз вақтида ҳал қилинмагани сабабли объектлардаги ишлар тўхтаб қолган.

Сенат аъзоси А. Эшмуратов мазкур объектларнинг қурилиши ва таъмирланиши бўйича молиялаштириш масалалари юзасидан 2025 йил 5 мартга қадар тушунириш бериш ёки Автомобиль йўллари қўмитасининг мазкур йўналишдаги режаларини маълум қилишни сўраб сенатор сўровини йўллади.

«Халқ сўзи».

МИНТАҚАВИЙ ҲАМЖИҲАТЛИК
АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЯДИ

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлиги Ўзбекистоннинг очилиқ ва хайрихоҳликка асосланган прагматик минтақавий сиёсати тўғрисидаги асосий қўшиқча бўлиб қолди. Минтақавий ҳамжиҳатликни ривожлантириш борасида тарихий натижаларга эришилмоқда.

Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё — асрлар давомида умумий маданий маконга эга ягона организм. Ягона тарих, тилларнинг ўхшашиги, умумий урф-одатлар ва қадриятлар келажакни биргаликда ва ўзаро ҳамкорликда қуриш учун кенг имкониятларни яратди”, дея таъкидлаганди.

Минтақа халқларининг кўп асрлик тарихи, маданияти, дини ва тили, умуминсоний қадриятларга содиқлиги давлатлараро юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга яқдил жавоб қайтариш, ҳал этишининг самарали йўллари аниқлаш ва биргаликда тараққиётга интилиш учун муҳим асос яратди. Марказий Осиё дав-

латлари ўз сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини, турли ташқи сиёсий иқтисодий устувор йўналишларини танлаб олган бўлса-да, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларидаги кўп йиллик алоқалар, ҳатар ва таҳдидларни бартараф этиш уларни доимо бирлаштириб келган.

Айтиш жоизки, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида Марказий Осиё минтақасида амалий ҳамкорлиқни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш вазифаси белгилаб берилган. Шу боис ҳам узокни қўлаб олиб борилаётган очиқ ва тинчликсевар ташқи сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланаётди.

Эътиборлики, Ўзбекистон нафақат ўз ҳудуди чегараларида барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш, бал-



ки бутун минтақа бўйлаб тинчлик муҳитини яратиш учун муҳим ҳаракатларни амалга оширмоқда. Ташқи сиёсий фаолиятда минтақадаги қардошларимиз, жумладан, Тожикистон Республикаси билан яқин қўшничилик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида 225 та икки томонлама ҳужжатлар имзоланган.

Халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилган ҳолда минтақавий можаораларни тинч йўл билан ҳал этиш, сув-энергетика соҳасида ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш, парламент дипломатиясини такомиллаштириш ва ўзаро алоқа-

ларни мустаҳкамлаш каби йўналишлардаги ҳамдўстликни янада ривожлантиришга оид қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тақозо этилмоқда.

Шу мақсадда Олий Мажлис Сенатининг учинчи ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома (Душанбе, 2024 йил 18 апрель) ратификация қилиш ҳақида”ги Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Мазкур Шартнома Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 18 апрелда Тожикистон Республикасига давлат таширифи доирасида Душанбе шаҳрида имзоланган. Қонун билан иқтисодий, инвестициявий, фан-техника, маданият, таълим, спорт ва туризм соҳаларида алоқаларни қуруллатириш, терроризм, экстремизм ва трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича биргаликдаги савий-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга ҳуқуқий асос яратилади. Қонун 26 та моддадан

иборат бўлиб, 40 дан ортқ масалалар келишиб олинган. Унда олий ахдлашувчи томонларнинг кўп қиррали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида парламент дипломатиясини, икки давлат қонун чиқарувчи органларининг дўстлик гуруҳлари йўналишида ҳамда халқаро парламентлараро ташкилотлар доирасида яқин шерикликни қўллаб-қувватлашлари қайд этилган. Томонлар асосий устувор йўналишлар доирасида кенг қамровли алоқаларни ривожлантиришга интилади. Хавфсизлиқнинг янги хавфхатарлари ва таҳдидларига, трансмиллий уюшган жиноятчилик, халқаро хавфсизлик, кибермақондаги таҳдидларга қарши курашишда ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича савий-ҳаракатларини мувофиқлаштириб, бирлаштиради.

Тинчлик ва барқарорлик-

Мазкур қонун икки давлат ўртасидаги муносабатларни иттифоқчилик даражасига кўтариш, минтақавий хавфсизлик ва тараққиёт учун кенг имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Жамила БОБАНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

«Янги даврда парламент чинакам халқ уйи, унинг қуйи палатаси эса ғоялар генераторига, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдонига айланиши керак».

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Янги Чақириқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси: 100 Кун



Янги таркибдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини бошлаганига 100 кун бўлди. Давлатимиз раҳбари 18 – 20 ноябрь кунлари парламент палаталари мажлисларидаги нутқларида Олий Мажлис, шу жумладан, Қонунчилик палатаси олдида улкан вазифалар турганини таъкидлаб, бир қатор муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурган эди. Парламент фаолиятида янгича ишлаш, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш бўйича тавсиялар берилганди.

Шундан келиб чиқиб Қонунчилик палатасининг Кенгаши қарори билан палата ишини самарали ташкил этиш бўйича “Йўл харитаси” ҳамда Ҳаракатлар дастури тасдиқланди. Дастурда 8 та устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича 43 та аниқ чора-тадбирлар ва ишни ташкил этишга янгича ёндашувлар назарда тутилган.

Бугунги кунда Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини мазкур ҳужжатларда белгиланган устувор вазифалар асосида олиб бормоқда.

Ҳаётий, халқчил ва манфаатли

Дилмурод АРТИКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:



— Ўтган даврда палатада қонун ижодкорлиги жараёни анча жонланди. Жамиятимиздаги долзарб муаммолар ечимига, халқимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Жумладан, палатада жами 48 та қонун қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

“Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу ҳужжат фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича қафолатланган конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш учун шарт-шароит яратди.

Кредит соҳасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга қаратилган қонунни ҳам муҳим ҳужжатлардан бири, дейиш мумкин. Унинг аҳамиятли жиҳати — қонунга депутатлар ташаббуси билан муҳим ўзгариш киритилгандир. Яъни қонун ташаббускорлари ҳисомини шахслар томонидан ўзларининг номига кредит олишни расмийлаштиришга тақиқни олиб ташлаш билан боғлиқ жараёни пуллик, деб қиритишганди. Сиёсий партиялар фракциялари аъзолари таклифлари, депутатлар ташаббуси асосида ушбу амалиёт бепул амалга оширилиши ҳақидаги нормага

ўзгартирилди. Албатта, бу халқ вакилларининг аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб амалга ошираётган ташаббуслари натижасидир.

Ўтган 100 кунлик давомида қабул қилинган яна муҳим ҳужжатлардан бири, бу — жиноят ишини юритиш чоғида шахсни қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қонун. Чунки ушбу ҳужжат билан янги таҳрирдаги Конституцияда белгиланган инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахл-сиэлигини кафолатлашга қаратилган нормалар ҳаётга татбиқ этилади. Боси қонунда қамоққа олинганлар тергов ҳибсхонасига жойлаштирилишидан олдин унда қийноққа солиш ёки бошқа ҳолатлар натижасида олинган жараҳатларни, шикастланишларни ва яраларни аниқлаш мақсадида тергов ҳибсхонасининг ўзида мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилишига оид муҳим нормалар ўрин олган.

Ушбу ҳужжатга кўра мажбурий тиббий кўрик қамоққа олинганлар тергов ҳибсхонасига олиб келинган пайтдан эътиборан икки соат ичида тиббий ҳолим томонидан ўтказилади. Бу жараёнда, яъни мажбурий тиббий кўрикни ўтказишда қамоққа олинганнинг розилиги билан унинг адвокати ҳам иштирок этиши мумкин.

Ўтган қисқа вақт ичида фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ҳамда жамиятимиздаги долзарб муаммолар ечимига, халқимизнинг оғирини енгил қилишга хизмат қилувчи қонунлар қабул қилингани эътиборга молик.

Бюджет ижросини назорат қилиш механизмлари янада кучайтирилади

Бахтиёр АРТИКОВ,
Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари:

— Янги таҳрирдаги Конституциямизга кўра давлат бюджетни ижроси устидан назоратни амалга ошириш Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига қиради. Шу боис ўтган йил охирида “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги қонунни қизгин муҳокамалар асосида қабул қилдик. Унинг самарали сарфланиши устидан назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Зеро, Президентимиз бу муҳим ваколат депутатлар зиммасига катта масъулият юклашини таъкидлаб, давлат бюджетни ижросини назорат қилиш механизмларини янада кучайтириш масаласини кўтарган эди.

Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси томонидан Ҳукуматнинг Давлат бюджетига доир барча ҳисоботларини қуйи палатага фақат Бюджет кодексига белгиланган аудит ҳулосаси билан биргаликда киритиш масаласи ўрганиб чиқилди.

Маълумки, Бюджет кодексининг 25, 26-моддаларига мувофиқ республика бюджетни ва давлат мақсадли жамғармаларни бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонунчилик палатасига тақдим этилади. Лекин бюджет ижроси бўйича чораклик ҳисоботларга нисбатан бундай амалиёт йўлга қўйилмаган. Бу эса бюджет маблағларининг сарфланишида шаффофлигини таъминлаш ва ҳисоботлар ҳақонийлигини текшириш имкониятини чекламоқда.

Бюджет ижроси бўйича ҳисоботларни ташқи аудит ва баҳолаш орқали Қонунчилик палатасига тақдим қилиш депутатлар учун бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, ноконуний ёки самарасиз харажатларнинг олдини олиш, бюджет қонунчилигини риоя қилишга оид ҳулосалар чиқариш имконини беради. Бундан ташқари, ташқи аудит текшируви ҳулосалари, нафақат бюджет маблағларини сарфланишида, шунингдек, бюджет ижроси жараёнидаги молиявий хаталарни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишда вазирилик ва идораларнинг жавобгарлиги ва масъулиятини янада оширади.

Президент белгиллаб берган вазифалардан келиб чиқиб, давлат бюджетни ижроси устидан назорат тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди.

Давлатимиз раҳбарининг яна бир муҳим ташаббусини қўлаб-

қувватлаган ҳолда Инвестиция дастурлари лойиҳасини ишлаб чиқишда депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш масаласи ҳам атрофича ўрганиб чиқилди.

Амалда иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 апрелдаги “Иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва давлат инвестицияларини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан шакллантирилади. Лекин ушбу дастурларни шакллантириш жараёнида депутатлар иштироки кўзда тутилмаганиги сабабли инвестиция дастурлари лойиҳаларини худудлар кесимида тайёрлашда депутатлар иштирок этмапти. Бу эса биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг харажатлари устидан парламент назорати самарали таъминланмаётганини кўрсатади.

Иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантиришда депутатлар иштирокини таъминлаш мақсадида “Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонунга ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунга ўзгариш киритиш имкониятини назарда тутиш қонун лойиҳаси тайёрланди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатларининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини тайёрлашда иштирок этиши, навбатдаги йил учун иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонунчилик палатасига киритилиши ҳамда қўшимчаларни қўриб чиқилиши кўзда тутилмоқда.

Давлат раҳбари томонидан қўйилган вазифаларнинг ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва амалиётга йўналтириш ягона мақсадга — аҳоли фаровонлигини таъминлаш, худудларни ривожлантириш, бунда парламентнинг фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

11 та резолюция тарғиботида интерфаол формат танланди

Зиёдбек ЮНУСОВ,
Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:



— Мамлакатимиз бугун жаҳон сиёсатининг марказларидан бирига, глобал ташаббуслар муаллифига айланиб бормоқда. Янги сиёсий ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан қўлаб-қувватланипти.

Ўзбекистон қўмитаси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан минтақада барқарор ривожланиш, Оролнинг муаммолари, гендер тенглигини таъминлаш, гитёвандликка қарши курашиш каби муаммоларни самарали ҳал этишда ҳамкорлик қилишга тайёрлик каби долзарб минтақавий ҳамда глобал муаммоларни ечишга қаратилган 11 та резолюция қабул қилингани бу фикрни тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбари ушбу масалаларга тўхталиб ўтгани бежиз эмас. Ўзбекистон БМТнинг фаол аъзоси сифатида миллий сиёсатга қабул қилинган резолюцияларни самарали амалга ошириш учун бир қатор институционал механизмларни ишлаб чиққан. Биз, депутатлар худудларда бўлиб сайловчилар билан учрашар эканмиз, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини атрофича тушуниришга ҳаракат қилишми.

Ўз навбатида, юртдошларимиз қабул қилинган қарорларнинг аҳамиятини қайд этиб, тинчлик ва хавфсизлигини сақлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ривожлантириш, иқлим ўзгариши оқибатларининг олдини олиш чора-тадбирлари, атраф-муҳит муҳофазаси ва бошқа масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

Қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида Олий Мажлисида депутатлар, сенаторлар, шунингдек, экология ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, халқаро ҳуқуқ, диний таълимотлар, соғлиқни сақлаш, жамоат хавфсизлиги, таълим, фан ва ахборот технологиялари соҳалари бўйича 30 дан ортиқ экспертлардан иборат эксперт гуруҳлари тўзилди.

Шунингдек, Олий Мажлис томонидан Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти билан биргаликда БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюциялар мазмун-моҳияти ва аҳамияти бўйича аҳоли кенг қатлами, айниқса, ёшларни қизиқтириш мақсадида, қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадлар учун қулай ва интерфаол формат танланди. Яъни инфографикалар, қисқаметражли ва таҳлилий видеолавлар, подкастлар, асосий фактлар ва мисоллар билан ҳикоялар асосида тушуниришга эътибор қаратилляпти.

Албатта, бу борадаги ишлар изчил давом этади. Чунки сайёҳаракатларни бирлаштиришгандан барқарорлик ва хавфсизликка оид умумий қаҳирлик ва таҳдидларга қарши тура оламиз.

Жамоатчилик кенгашлари катта овозга айланоқда

Гулруҳ АГЗАМОВА,
Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси:

— Президентимиз Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқида қўмиталар фаолиятида фуқаролик жамияти институтлари билан мулоқотни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлигига ургу бериб, ҳар бир қўмита қошида фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат жамоатчилик кенгашлари тўзиш таклифини илгари сурган эди.

Мана, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бу ташаббус ҳаётга тўлиқ татбиқ этилаб, фуқаролик жамияти институтлари ва парламент ўртасидаги мулоқот янги босқичга чиқмоқда. Яъни биз халқимиз ичига янада чуқурроқ кириб бориб, уларни қийнаётган муаммолар бўйича самаралироқ ечимлар ишлаб чиқяммиз. Илгари бу борадаги ҳамкорлик тизимсиз бўлган бўлса, мана энди жамоат кенгашлари катта овозга айланмоқда.

Қўмитамиз қошида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани), Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази,

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, “Тараққиёт стратегияси” маркази, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Маҳаллалар уюшмаси, Ногиронлар жамияти, Касба уюшмалари Федерацияси ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари таркибидан иборат тўзилган Жамоатчилик кенгаши ҳам қонунларда халқ манфаатларини янада кенгрок ифодалашда муҳим омил бўляпти.

Бугунги кунда Қонунчилик палатасида жамоатчилик кенгашлари ўткир муаммолар, аҳолини ўйлантираётган масалалар юзасидан конструктив мулоқот майдончасига айлантириш бўйича ишлар жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Фикримча, парламентдаги жамоатчилик кенгашларининг кучи — қўмиталар билан ўзаро иттифоқчилигида, қонун ижодкорлигидаги фикрлар хилмаҳиллиги ва амалий мулоқотда, қонун сифатли бўлиши ва халқнинг муаммоларига ечим бўла олиши жараёнида таҳлилий ёндашув ҳамда яқдиллиқдадир.




Шу нуқтаи назардан, асосий функцияси — жамоатчилик назорати бўлган қўмиталар қошида жамоатчилик кенгашлари таъсирчан парламент назоратини олиб бориш, жойлардаги масалаларни назорат-таҳлил тартибида ўрганишда жонбозлик кўрсатиши, керак бўлса, ташаббуслар генератори бўлиши лозим. Ўз навбатида, кенгаш аъзолари нафақат қабул қилинаётган қонунлар тарғиботчиси, балки амалдаги қонунларни такомиллаштириш асосидан конструктив фикрлар билдирадиган жонкуяр бўлиши зарур бўлади.

Муҳими, бу кенгашнинг овози эшитилсин. Фуқаролар дардини гапирадиган, муаммони ҳал қила оладиган, югур-югурлар қамайишга ёрдам берадиган, халқ томонида бўладиган кенгаш бўлишига барча депутат камарбаста бўлса, янги даврда парламент чинакам халқ уйи, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдонига айланади.

Партия рўйхати асосида сайланган депутатлар ҳам барча масалалар дахлдор

Фирдавс ШАРИПОВ,
Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси:



— Ҳозирги вақтда ягона сайлов округи бўйича сиёсий партиялар рўйхати асосида сайланган депутатларнинг худудлардаги фаолиятини ташкил этиш Концепцияси тасдиқланди. У илмий ҳамжамият, фракциялар, депутатлар, соҳа мутахассислари иштирокида кенг муҳокама қилиниди ва халқаро тажриба ўрганилди.

Ушбу ҳужжатда халқаро тажрибадан келиб чиқиб, депутатларни худудларга бириктиришнинг бир қанча ёндашувлари ва тақсимотлари баён этилган. Шунингдек, депутатларни худудларга бириктиришга оид умумий тавсиялар ҳамда уларнинг худудлар ёки сайлов округларидаги фаолиятини ташкил қилишга оид тавсиялар ҳам асос этган.

Концепция асосида бешта фракция ўз қарорлари билан партия рўйхати асосида сайланган депутатларни тегишли худудларга бириктирди. Бунда асосий эътибор

партия бир мандатли сайлов округларидан ўрин ололмаган худудларга қаратилган.

Жорий йилнинг январь ойи охирига ҳаф-тасида депутатлар сайлов округларида, худудларда бўлишди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, улар янги қабул қилинган қонунларнинг мазмунини сайловчиларга етказиш, қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ҳамда фракциялар фаолияти тўғрисида сайловчиларга ахборот берган.

Мамлакатимиз раҳбари янгича сиёсий ҳуқуқий шароитда партиявий ва фракциявий интисомни мустаҳкамлаш масаласи ҳам асосий эътиборда бўлиши кераклигини таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўз Низомини қабул қилди. Унда фракция фаолиятини ташкил этиш, фракция аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг фаолиятини бошқариш каби масалалар белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, партиявий ва фракциявий интисомни мустаҳкамлаш, сиёсий партия ғояларини яқдиллик билан ҳимоялаш ҳамда амалга оширишга имкон беради.

Парламент комиссияси қонунчиликни ЖСТ битимларига уйғунлаштиради

Бобур БЕКМУРОДОВ,
Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси раиси:



— Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлида фаол сиёсат олиб бормоқда. Бугунги кунга келиб мамлакатимиз АҚШ, Хитой, Япония, Туркия, Бразилия, Саудия Арабистони каби 23 та ЖСТ аъзолари билан миллий бозоримизга ушбу давлатлар маҳсулотлари ва хизматларининг кириши шартларини келишиш бўйича икки томонлама музокараларни якунлади. Шунингдек, ташкилотга аъзо бўлиб кириш шартларини қайд этувчи ҳисобот лойиҳаси шакллантирилди.

Мазкур жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга кўмаклашиш, миллий қонунчиликни ЖСТ битимларига уй-

ғунлаштириш борасидаги ишлар бўйича самарали парламент назоратини ташкил этиш мақсадида қуйи палатанинг Қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотига битимларига уйғунлаштириш бўйича комиссияси ташкил этилди.

Кайд этиш керак, ушбу комиссияни ташкил этиш Президентимиз ташаббусларидан биридир.

Ҳозирги вақтда Комиссиянинг 2025 йил учун иш режаси тасдиқланди. Унда таҳлил ва тадқиқотларни ўтказиш, амалий тадбирлар, жумладан, семинар ва ишгуварларни ташкил этиб бориш, мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиши жараёнлари доирасидаги йиғиларда иштирок этиш, қуйи палатага кириб келаётган қонун лойиҳаларини ЖСТ талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш каби аниқ вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Комиссия Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши жараёнларини самарали амалга ошириш юзасидан халқаро парламентлараро алоқаларни йўлга қўйишни режалаштирган.

Яна бир муҳим масала — Комиссия фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Президентининг Жаҳон савдо ташкилотига масалалари бўйича махсус вакили оғиси билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Комиссия Давлат дастури асосида тасдиқланган қонунчилик ҳаракатлари режасига мувофиқ қатор қонунларнинг қабул қилинишини жадаллаштириш борасида ҳам самарали фаолият олиб боради.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатасининг Иқлим ўзгариши оқибатларини қамайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўттишни тезлаштириш масалалари ҳамда Жамоавий ташаббуслар бўйича комиссиялари ҳам тўзилган бўлиб, улар ўз йўналишлари бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Муносабатлар қарама-қаршиликка эмас, конструктив мулоқотга асосланади

Шухрат ЯКУБОВ,
Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоси:



— Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги тарихий нуқтада парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабатларда фақат танқид эмас, биргаликда муаммога ечим излаш, ҳамкорликда парламент назоратини амалга ошириш зарурлигини қайд этган эди. Вазирлиқлар ҳисоботларини қўмиталарда эшитиш тизими ва вазир ўринбосарларини қуйи палатадаги қўмиталарга бириктириш механизмни жорий этиш ташаббуси илгари сурилганди.

Мана, орадан 100 кун ўтиб, бу ташаббуслар тўлиқ амалга ошмоқда. Бундан сўнгги пайтларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси амалиётини ҳамда парламент ва вазирлиқлар билан ўзаро ҳамкорликнинг янгича, замонавий шакллари ривожланиб бораётгани мисоллида ҳам кўришимиз мумкин.

Чунки ўтган даврда ушбу тизимнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Аввало, Қонунчилик палатасининг Ҳаракат дастурида ушбу масалалар алоҳида мустаҳкамланди. Амалга ошириш зарур бўлган вазифа сифатида ижро муддатлари, масъулиятлари, амалга ошириш механизмлари қатъий белгиланди. Қонун ижодкорлиги, парламент назоратини амалга ошириш, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этишда юқоридаги ҳамкорликка асосланган мутлақо янги тизим амалиётга жорий этилди.

Қонунчилик палатасининг қўмиталарига тегишли соҳалар бўйича вазир ўринбосарлари бириктирилди. Хусусан, биз фаолият олиб бораётган Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитасига Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари, Мактабга ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринбосари, Маданият вазирининг ўринбосари бириктирилди.

Бутунги кунда улар билан ҳамкорликда самарали ишлар олиб боришмоқда. Масалан, таълим соҳасидаги масалалар бўйича фуқароларнинг муносабатлари асосида келиб тулган ёки сайлов округларида бориб аниқланган муаммоларнинг ечимини бўйича вазир ўринбосарлари билан муҳокамалар ташкил этиш ва масалани тезкор ҳал қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Яна бир янги ҳамкорлик йўналиши сифатида тегишли вазирлиқлар ҳисоботларини қўмиталарда эшитиш амалиётини қайд этиш ўринли. Авваллари, асосан, вазирларнинг ҳисоботлари парламент назорати доирасида “парламент эшитиш” ёки “ҳукумат сўрови” кўринишида амалга оширилган эди. Вазирлик ҳисоботларини қўмиталарда эшитиш амалиётининг ижобий жиҳатлари шундаки, мавжуд муаммоларни батафсил таҳлил қилиш, унинг сабабларини атрафича муҳокама этиш ва осон йўллар билан унинг ечимини топишга имкон бермоқда.

Бундай ҳамкорликни бошқа қўмиталар фаолиятида ҳам кузатмоқдамиз. Сайловчилар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги айрим долзарб масалалар, муносабатлар ечимини бўйича бошқа қўмита аъзоларига ҳам иштирок этиш имконияти яратилмоқда.

Умуман, бундай ўзаро ҳамкорликда ишлаш тизими парламент фаолияти самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг ижобий натижалари қонун ижодкорлигида ҳам, назорат таҳлил фаолиятида ҳам, сайловчилар билан ишлашда ҳам аққол намоён бўляпти.

Саҳифа Қонунчилик палатаси матбуот хизмати ҳамкорлигида тайёрланди.

Акс садо

АҲОЛИ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ТАРИХИЙ ҚАДАМЛАР

Мамлакатимизда 2025 йилга мўлжалланган давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик ва экспертлар муҳокамасидан ўтказилиб, яқинда расман қабул қилинди. Муҳокамалар парламентнинг иккала палатасида, сиёсий партиялар, меҳнат жамоалари, ёшлар орасида ва маҳаллаларда фаол ўтказилди. Жараёнлар кенг жамоатчиликка очик тарзда етказилиб, оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилди. Бундай очик муҳокамалар аҳолининг сиёсий жараёнларга бўлган қизиқишини ошириб, уларнинг фаол иштирокини таъминлади.



Давлат дастурида назарда тутилган муҳим ташаббуслар ҳақида хабардорлиқни ошириш ва фуқароларнинг қимматли таклифларини олиш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Натижада аҳоли ва экспертларнинг юзга яқин концептуал ҳамда мингдан ортиқ тахиррий таклифлари қабул қилинди.

Этиборли жиҳати шундаки, муҳокамаларда нафақат юрtdошларимиз, балки халқаро ҳамжамият ва хорижда истиқомат қилувчи ва тандошлар ҳам фаол иштирок этди. Улар томонидан билдирилган таклифлар дастурини такомиллаштиришда инобатга олинди.

Жумладан, давлат дастури доирасида аҳоли ҳаёт сифатини яхшилаш, экологик барқарорлиқни таъминлаш ва "яшил иқтисодиёт" таъминлиларини кенг жорий этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Биргина "яшил" иқтисодиёт ва қайта тикланувчи энергия манбалари — қуёш ҳамда шамол энергия манбаларидан самарали фойдаланиш йўналишида ҳудудларда 74 172 та қуёш панели ўрнатилиб, 785 МВт қўшимча қувват яратилиши режалаштирилган. Шунингдек, қувват 225 МВт бўлган гидроэлектр станцияларини барпо қилиш, бу чора-тадбирлар орқали қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 40 фоизга етказиш кўзда тутилган.

"Яшил" иқтисодиётни ривожлантириш доирасида аҳоли уйларида энергия тежамкор ускуналар ўрнатиш учун махсус субсидиялар ажратилиши, Орол денгизи тўбиде 100 минг гектар яшил майдон барпо этилиши айтилган. Бу экологик муҳитни яхшилашга катта ҳисса қўшади.

Шу билан бирга, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш мақсадида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағ-

батлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва маҳаллий маҳсулотларни халқаро бозорларга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. 2025 йилда иқтисодий ўсиш камида 6 фоиз, sanoat — 6, бозор хизматлари — 14,5, қишлоқ ҳўжалиги 4,1 фоизга ўсиши назарда тутилган. Экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида маҳаллий тадбиркорлар учун корхонабай ишлаш тизимига ўтилиб, уларнинг маҳсулотларини халқаро бозорга чиқаришда қўллаб-қувватлаш чоралари кучайтирилди.

Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотлар давом этади. Мактабгача таълим қамровини ошириш мақсадида олис ва чекка ҳудудларда мобил гуруҳлар ташкил қилинади. Бунда махсус жиҳозланган автобуслар ажратилиб, болалар ўзини майдончалари барпо этилади. Ўйда таълим олаётган ўқувчилар учун қулайликлар яратиш мақсадида болалар учун мобил қурилмаларда ишлайдиган махсус платформа яратилади, электрон ва видеодарсликлар турли ёшдаги ўқувчилар эҳтиёжларига мослаштирилади ҳамда "Онлайн менторлик" тизими жорий қилинади. Бу эса ўқувчиларга педагогик ёрдам олиш имкониятини беради.

Шунингдек, ҳар бир туманда (шаҳарда) инклюзив таълим талабларига жавоб берадиган мактаблар ташкил этилиши, "Қамбағалликдан фаровонлик" дастури доирасида 3,5 минг қамбағал оила фарзандлари олий таълим муассасаларига грант асосида қабул қилиниши, соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш доирасидаги чора-тадбирлар ҳам аҳоли розилиги йўлидаги ислохотларнинг мантиқий давоми эканлигини тасдиқлайди.

Давлат дастури Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши, аҳоли фаровонлигини ошириш ва экологик муҳитни яхшилашга қаратилган муҳим ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ташаббуслар нафақат хозирги, балки келажак авлод учун ҳам мустақкам пойдевор яратишга хизмат қилади.

Элдор ТУЛҲАКОВ,
«Тараққиёт стратегияси»
маркази ижрочи
директори.

АЖДОДЛАР МЕРОСИГА МУНОСИБ АВЛОД

Мамлакатни ҳар томонлама ривожлантирувчи куч, бу — ёшлар. Ҳозирги кунда юртимизда дунёни янгилаш идрок этадиган, миллат гурури ва ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган, ўз тақдирини Ватан тақдирини билан боғлиқ кўриб фаолият олиб бораётган янги авлод шаклланмоқда.

Мушоҳада

Яқинда амалга оширилаётган ислохотлар ва яратиб берилаётган шарт-шароитлардан унмил фойдаланаётган ёшлар билан ишлаш самарадорлигини янада ошириш ҳамда кенг имкониятлар яратиш чора-тадбирлари юзасидан Президент Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан навбатдаги мулоқоти жуда сермазмун ўтди. Айтиш мумкинки, бу ҳам ёшларга берилаётган эътибор давлат миқёсида янгича тус олаётганлигидан далолат.

Президентимиз ёшларнинг мамлакат келажигидаги ўрни муҳим эканлигини таъкидлаб, раҳбарлар ҳар доим уларни тинглаши, "ёшларнинг буюк келажигимизнинг асосий бўлини эканлигини тушулмаган раҳбар эса бизнинг сафимизда бўлишга ҳаққи йўқ"лигини алоҳида таъкидлади. Чунки уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватласак, имкониятларини кенгайтирсак, улар, албатта, мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва фаровон келажигини таъминлашда муҳим бўлиб хизмат қилади.

Ёшларни ишисизликдан холи қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар сонини ҳар йили 600 мингдан ортиқ бўлиб, 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 1 миллион нафарга етиши, бунинг учун хозирдан замин яратиб бориш кераклиги таъкидланди. Учрашувда давлатимиз раҳбари ёшлар тадбиркорлиги учун муҳим бўлган уч ҳужжатга имзо қўйганини маълум қилди. Унга кўра Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилиб, унга 100 миллион доллар ажратилади, ёшларга имтиёзли кредитлар ва стартаплар учун инвестициялар ажратилади, олийгоҳ



битирувчиларининг го-я ташаббуслари лойиҳаси учун янги банк хизматлари жорий қилинади.

Бундан кўриниб турибдики, олий таълим битирувчиларининг иш билан таъминланиши муҳим масаладир. Олий таълим муассасалари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари талаба-ёшларга иш билан таъминланишида кўмакчи ва зарур ўринларда маслаҳатчи бўлмоғи, ҳар бир ёш ўз ўрнини топиши учун саъй-ҳаракат кўрсатишга даркор. Битирувчиларнинг иш билан таъминланганлик ҳолати олий таълим муассасасининг рейтингини билдиради, бунда иш билан таъминланганлик ҳолати ижобий бўлса қўшимча устамалар жорий қилиниши, кўрсаткич салбий бўлган ОТМнинг фаолиятини давом эттириш масаласи кўриб чиқилиши таъкидланди.

Олий таълим муассасалари сонининг уч баравар ортиши ёшларнинг олий маълумотли ва касб эгаллашида муҳим жиҳат ҳисобланади. Шунингдек, хотин-қизлар учун ажратилаётган грантлар, уларнинг контракт тўлови давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланган ўзи уларга берилаётган эътиборни кўрсатади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида "Мен бир ҳаётим фикрни такоррлашдан чарчайман: битта қизни ўқитсак, бутун оилани ўқитган бўламиз. Оила билимли, маърифатли бўлса, бутун жамият билимли,

маърифатли бўлади. Бу борадаги ишларни янада жадал давом эттирамиз", деб жамиятда хотин-қизларнинг ўрни нақадар муҳим эканини билдирди.

Хорижий тилларни ўрганиб, турли грантларни қўлга киритаётган ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Ўтган йиллар давомида чет элда ўқиб келган 800 нафар йигит-қизнинг ўқиш билан боғлиқ харажатлари давлат томонидан қўллаб-қувватланган бўлса, "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали сўнгги 7 йилда бу кўрсаткич 3 бараварга ортган.

Мулоқотда хорижий тиллардан "С1" даражасига эга бўлган ёшлар ташаббус кўрсатиб, олис ва чекка ҳудудларда чет тилга иктисослаштирилган ўқув марказларини очиши учун 120 миллион сўмгача фоизсиз ссуда берилиши айтиб ўтилди. Шундан келиб чиқиб айтсак, Бухоро давлат педагогика институтига хорижий тиллардан "С1" даражасига эга бўлган 100 га яқин талаба-ёшлар тахсил олмақда. Ҳозир институт ҳудудида фаолият олиб бораётган хорижий тилларни ўргатиш ўқув марказининг филиалларини вилоятимизнинг чекка ҳудудларида очиб, ёшлардан бундай лойиҳалардан унмил фойдаланиши масаласи кўриб чиқилди.

Президентимиз ташаббусларидан яна бири — бу иқтидорли, билимга чанқок, бироқ оилавий жиҳатдан шароити оғир бўлган ёшларнинг хорижда ўқитиш масаласининг қўйилганлигидир. Бунинг учун "Ёрқин келажак" лойиҳаси жорий этилиб, ҳар бир маҳалладан шундай ёшлар саралаб олинади, иқтидори бўйича хорижий олийгоҳларда ўқиш учун тайёргарлик курсларида ўқитилади. Яна бир ташаббус — хусусий ўқув марказларида тил ўрганаётган ёшларга харажатларнинг "2+6" шаклида қўллаб-қувватлаш этиборига молик.

Бу каби масалалар таълимнинг қамбағаллигини қисқартиришдаги ўрнини, билимий ёшлар, ҳақиқатан ҳам, келажак таянчи, унинг ривожини учун хизмат қиладиган олтин фонд эканлигининг исботидир.

Шиддат билан ривожланаётган замонда ёшларнинг IT соҳасидаги билимининг ривожланти-

риш бўйича ҳам уларнинг го-я ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чоралари ишлаб чиқилди, бу соҳа экспортини 1 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. "Бир миллион дастурчи", IT олимпиадаларига қизлар ҳам фаол жалб қилинади. Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда "Бир миллион сунъий интеллект фойдаланувчилари" лойиҳаси амалга оширилади. Бу ишлар ёшларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини олдинроқ аниқлашда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишда, салоҳиятини монетизация қилишда қўл келади. Бундан ташқари, мактабларда муҳандислик лабораториялари ташкил этилади, энг яхши стартаплар лойиҳалаштирилади.

Ҳар қандай жамиятнинг ривожланишида ёшлар муҳим қадам бўлиб хизмат қилар экан, уларни турли мафкуравий хавф-хатардан асраш масаласи ҳам доимий эътиборда бўлмоғи лозим. Шунинг учун ёшларда интернетдан фойдаланиш маданиятини кучайтириш, уларнинг дунёқарашини салбий таъсирлардан асраш хозирги кунда муҳим ҳисобланади. Бундай ишлар юз беришининг олдини олиш бўйича ҳар бир раҳбар, катта ёшдаги инсонлар масъул. Бунда нурунийларга таянган ҳолда "Аждодлар меросига муносиб авлод" го-яси остида ёшларни бирлаштириш, уларни турли бузғунчи го-ялардан асраш чора-тадбирлари қўйилади. Бу борада Президентимиз ёшларга қарата: "юксак ишончга муносиб бўлиб, жонажон Ватанимизни ҳар томонлама ривожланган, гўзал ва фаровон мамлакатга, Учинчи Ренессанс диёрига айлантиришда олдинги сафларда бўласиз", дея ишонч билдирди.

Шундай экан, бу каби ишларнинг самарасини кўриш учун хозирданок ёшларга кўмак беришимиз, қайсидир ўринда ҳимоячи, қайсидир ўринда эса далда бериб, уларнинг порлоқ истиқболи учун ҳисса қўшмоғимиз даркор.

Баҳодир МАЪМУРОВ,
Бухоро давлат педагогика
институтини ректори,
педагогика фанлари доктори,
профессор.



Бешинчи кунда натижалар «беш»

Малайзиянинг Нилай шаҳрида велоспортнинг трек йўналиши бўйича катталар, ёшлар ва параспортчилар ўртасидаги Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда.



Мусобақанинг бешинчи кунги бахслари терма жамоамиз учун муваффақиятли бошланди. Аёллар ўртасида ташкил этилган медисон дастурида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Нафосат Козиева ҳамда Асал Ризоева яна қучилар қаторида бўлди ва ҳисобимизга навбатдаги медални қўшиб қўйди.

Айни дамда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳисобида 2 та олтин ва 3 та бронза медаллари мавжуд.

Маҳаллада замонавий спорт иншооти

Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги "Гул" МФЙ ҳудудида замонавий спорт зали ҳамда икки қаватли маъмурий бино қурилиб фойдаланишга топширилди. Маҳалла кўрмига кўрк қўшган ушбу иншоотлар Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги маблағлари ҳисобидан бунёд этилди.



Янги типдаги залнинг ўлчами 9x18 метр бўлиб, унда қатор спорт турлари билан шуғулланиш ва мусобақалар ўтказиш мумкин. Иншоотнинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги ва вилоят спорт бошқармаси раҳбарияти ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ўсмирлар жамоаси жаҳон чемпионатида қатнашади

Шу йилнинг 28 февралидан 6 март санасигача Таиланднинг Бангкок шаҳрида спортнинг хоккей тури бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.



Куни кеча Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари (U-18) ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Бангкок шаҳрига жўнаб кетди. Биринчилик доирасида 27-28 февраль кунлари қишки Олимпия ва Паралимпия уйинларига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида ўқув-машғулот йиғини ҳам бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Зебо ЖУМАЕВА
тайёрлади.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Терапия факультети:

- Фтизиатрия кафедраси: кафедра мудири.
- Эндокринология кафедраси: стажер-ўқитувчи.
- Гематология, болалар онкологияси, клиник иммунология ва трансфузиология кафедраси: катта ўқитувчи.

Педиатрия факультети:

- Болалик даври асаб касалликлари кафедраси: доцент.
- Педиатрия кафедраси: ассистент.
- 2-Акушерлик ва гинекология кафедраси: доцент.

- Неонатология кафедраси: ассистент.

Хирургия факультети:

- Офтальмология кафедраси: доцент.
- Хирургик стоматология кафедраси: ассистент, стажер-ўқитувчи.
- 1-Хирургия кафедраси: ассистент.
- Тиббий радиология кафедраси: ассистент.
- Онкология кафедраси: доцент.
- 1-Ультратовуш диагностикаси кафедраси: доцент, ассистент.
- 2-Ультратовуш диагностикаси кафедраси: ассистент.
- Шошилич тиббий ёрдам кафедраси: стажер-ўқитувчи.

- Урология ва андрология кафедраси: ассистент.
- Хирургия ва болалар хирургияси кафедраси: ассистент.

Тиббий профилактика факультети:

- Нейрореабилитация кафедраси: доцент.
- Халқ таботати курси: профессор.
- Эпидемиология кафедраси: кафедра мудири, профессор.
- Клиник лаборатор диагностика кафедраси: ассистент.

Менежмент, ижтимоий ва бирламчи соғлиқни сақлаш факультети:

- Превентив тиббиёт ва валеология асослари кафедраси: ассистент.
- Тиббиёт техникаси ва инновацион технологиялар бўйича инженер техник ходимлар кафедраси: ассистент.
- Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси: профессор.
- Клиник фармакология курси: ассистент.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел.: 71-267-60-74.

«Тошкент» халқаро аэропорти 2024 йилда 9 миллион йўловчига хизмат кўрсатди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 407 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларини қўллаб-қувватлаш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган кўлаёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.

Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА яқини — 21.40

Топширилди — 01.25

1 2 3 4 5 6